O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
16 IYUL
SESHANBA
№ 88 (26.947)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июль куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сэйкен Сугиура раҳбарлигидаги «Ипак йўли энергетик миссияси» вакиллари делегациясини қабул қилди.

— Япония Бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми ташаббуси билан ташкил этилган мазкур миссиянинг номи унинг мақсадларини яққол кўрсатиб турибди, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Миссия таркибида Японияниинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралари қаторида, Ўзбекистонга яхши таниш бўлган, мамлакатимиз билан ҳамкорлик борасида бой тажрибага эга банк ва компаниялар вакиллари бўлгани ҳам диққатга сазовордир.

Осиё давлатларининг шу йил апрель ойида Боао (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтган форумида Бош вазир Д.Коидзуми минтақамиз мамлакатларининг бутун Шарқий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига интеграциялашуви уларнинг Япония билан алоқалари ривожи учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Унинг бу ташаббусини рўёбга чиқариш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш учун «Ипак йўли энергетик миссияси» тузилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Япония билан муносабатлари ҳар соҳада жадал ривожланмоқда. Иқтисодиёт борасида Японияниинг шу вақтгача Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард, «Тараққиётга расмий ёрдам» ҳукумат дастури доирасида кўрсатаётган ёрдамининг ҳажми эса 100 миллион АҚШ долларидан ошгани, мамлакатимиздаги қарийб барча йирик лойиҳаларда япон сармоядорлари иштирок этаётганини айтишнинг ўзи кифоя. Сиёсат бобида томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга муносабати муштарак. Бундан ташқари, Ўзбекистон Японияни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафидан жой олишини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон ва Япония бир-бирининг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳам маъқуллаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

Суратда: *қабул пайти.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ЖИМЛИКНИ БУЗГАН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Эндиликда Москва кўчаларида тунги сокинликни бузган киши жаримага тортилади. Негаки, Москва шаҳар Думаси «Москванинг тунги вақтида фуқаролар тинчлик-осойишталиги бузилишига қарши маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Ҳужжат тунги соат 22.00 дан тонги 6.00 гача шаҳар кўчаларида осойишталикни сақлашни кўзда тутади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА:

✱ **Лос-Анжелес аэропорти раҳбарияти қўриқлаш хизмати ходимларини икки баравар кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилди. 4 июлда содир бўлган отишма бундай қарор чиқаришга сабаб бўлди.**

✱ АҚШ ҳукумати 131 нафар покистонликни мамлакатдан чиқариб юборди. Уларга аввал ҳам мамлакатдан чиқиб кетиши уқдирилганди. Улар 11 сентябрь фожиасидан кейин кузатувга олинган шахслардир.

✱ **Исроил кинессети мамлакат телевидениесининг сунъий йўлдош ва кабель орқали узатиладиган телеканалларда порнофильмлар намойишини тақиқловчи қарор чиқарди.**

✱ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хартумда Судан Президенти Ўмар Ҳасан ал-Башир билан учрашди. Расмий учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Кофи Аннан билдирган фикрга кўра, Суданда «фуқаролар ўртасида тинчликни ўрнатиш ва сақлаш борасида етарли шароит вужудга келган».

✱ **АҚШ Президенти Жорж Буш Чукотка ва Аляскадаги оқ айиқлар муҳофазасига қаратилган Россия — Америка битимини ратификация қилиш учун сенатга жўнатди.**

✱ Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг таклифига биноан 17 июль куни Қирғизистонга келади. Ельцин Акаевнинг Чўлпонотадаги (Иссиққўлнинг шимолий қирғоғи) резиденциясида дам олади.

✱ **1 июль куни Афғонистоннинг Урузган қишлоғидаги тўй АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан янглиш бомбардимон қилингани учун АҚШ Афғонистонга 2 миллион доллар миқдорида товон пули тўлайдиган бўлди.**

✱ Чехия давлат ветеринар хизмати Европа Иттифоқига кирувчи давлатлардан мамлакатга товуқ гўшти олиб кирилишини тақиқлади.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

Аргентинанинг собиқ Президенти Леопольдо Галтиери бундан 20 йиллар муқаддам қилган жинояти учун яна қамоққа олинди. Бундан ташқари ҳарбий разведканинг ўша пайтдаги 30 дан ортиқ агенти ҳам ҳибсга олинган.

Гап шундаки, мамлакатни Галтиери бошқарган пайтда Фолкленд оролига эгалик қилиш учун Аргентина Буюк Британия билан урушга кирган эди (1982 йил). Галтиерига қўйилган энг асосий айблардан бири инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва паймол этилишидир. Шунингдек, одамларни ўғирлаш, азоблаш, исканжага олиш ва қотиллик сингари айбловлар ҳам эълон қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, Галтиери ва диктатуранинг бошқа амалдорлари аввал ҳам — 1983 йили мамлакатда демократик тузум ўрнатилгач, қамоққа олинган эди. Аммо 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида афв этилиб қамоқдан чиқарилган эди. Эндиликда уларни қамоқдан озодликка чиқариш тўғрисидаги қарор ноқонуний, деб топилди.

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА ҲАМ БОР

Кеча бир гуруҳ матбаачилар гурунгида бўлдик. Биласиз, матбуот ва матбаа ходимлари нафақат ўзларининг хизмат фаолияти билан, балки ўзаро суҳбатлари, фикр-мулоҳазалари, бурч ва масъулиятни ҳис этиш туйғулари, сиёсий-ижтимоий қарашлари ва мақсад-муддаолари билан ҳам муштарак. Бири оммавий ахборот воситалари нашрларини босмага тайёрласа, бири тунларни тонгларга улаб, уларни чоп этади. Ҳар икки томон «пиширган нон» — газета ёхуд журнал эртасига тандирдан узилган нондек мухлислар қўлига етади. Ана шу узлуксиз жараёнда улар босилаётган ҳар бир мақола, хабар ва воқеалар тафсилоти билан танишиб боришади, мушоҳада қилишади, ўзига хос шарҳлайдилар ҳам...

— Президентимизнинг Оқтов сафари ҳақидаги расмий хабарларнинг мазмун-моҳиятидан мен шуни англадимки, — гап бошлади «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасининг тажрибали ишчиси Зайниддин Зиёмов, — Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар Президентларининг мақсади битта: минтақада хавфсизлик ва барқарорликни кафолатлаб, эл-элатлар хотиржам яшаши ва ишлашлари учун уларнинг кўнглини тўқ қилиб қўйиш...

— Ҳамма гап шунда-да, — давом этди ҳамкасби Абдумалик Маҳмудов. — Юрт тинч бўлса, иқтисодиёт ҳам юксалади, ислоҳот ҳам чуқурлашади. Кўни-қўшничиликдаги ҳамкорлик ҳам... Борингки, ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорлик — ҳамма-ҳаммаси тинчликка, осойишталикка боғлиқ...

Суҳбатдошларимизнинг бу мулоҳазалари бизга шу йилнинг 28 февралида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган айни шу ҳамкорликка аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитини эслатди. Ўшанда ҳам минтақада хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларининг ечими, иқтисодиётни ислоҳ этиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, ўрта ва кичик тадбиркорлик тараққиётида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатлар парламентлари ўртасида тажриба алмашиш жараёнларини кучайтириш масалалари кўриб чиқилганди. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга оид қатор ўзаро келишув шартномалари имзоланганди. Бу галги норасмий учрашувда эса айни шу жараёнларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини инвентаризация қилиш масалалари муҳокама этилди.

Янаям чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Президентимизнинг 1994 йил 10 январь куни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан Тошкентда бўлган учрашувини эсланг. Ўшанда Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзолашди.

Кенг қамровли бу шартномага кўра, мана, саккиз йилдирки, томонлар ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, ишчи кучларининг эркин ҳаракатланиши, кредит, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсати борасида ижобий силжишларга эришилди. Шундан сўнг Бишкекдаги учрашувда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилди. Табиийки, Тожикистон ҳам четда қолмади. Пировардида, бундай ўзаро яқинлашув жараёнларининг чуқурлашуви Марказий Осиё минтақасида янги истиқболлар очди. Фан, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликлар кучайди.

Ёки Ўзбекистон — Россия иқтисодий ҳамкорлигини олинг: ўтган 2001 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 15,5 фоиз ўсиб, 1 миллиард 29 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этди. Жорий йилда эса томонлар бу кўрсаткичлар миқдорига ўтган олти ойдаёқ деярли эришиб бўлдилар. Бу — шубҳасиз, ҳаракатдаги қанчадан-қанча қўшма корхоналар, ҳамкорликда иш юритаётган фирмалар, ишбилармонлар ва тадбиркорлар келтираётган иқтисодий самаралар далилидир. Қолаверса, бундай мисолларни Қирғизистон ва Тожикистон билан бўлаётган ҳамкорлик алоқаларидан ҳам келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, саноат, транспорт, қурилиш ва халқ хўжалиги соҳаларини нисбатан арзон пўлат-металл материаллар билан таъминлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳим ўрин тутади.

Ҳозир бу ерда қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқинди темир-терсаклар ҳисобига иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда асқотадиган металл ашёлар тайёрланмоқда. Хусусан, қурилиш учун арматура, металл конструкция ва бошқа зарур бинокорлик материаллари етказиб берилаётган бўлса, тоғ-кон саноати корхоналари учун турли ўлчамдаги пўлат шарлар ишлаб чиқарилаётир.

Айни вақтда бирлашма ва унинг тизимларида қайта ишланаётган хомашё — металл маҳсулотлар хорижий мамлакатларга экспорт ҳам қилиняпти. Табиийки, бундай муваффақиятга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаш ҳамда металлургия комбинатига ўз вақтида етказиб бериш тизимлари яхши йўлга қўйилган.

Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида ана шу ҳақда сўз борди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда жорий йилнинг олти ойи давомида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ҳамда тайёрлаш бўйича белгиланган режа асосан бажарилгани таъкидланди. Ҳудудий комиссияларнинг олти ойлик иш фаолияти якунлари таҳлил этилиб, бу борада улар томонидан учинчи чоракда бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

■ (ЎзА)

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР

БИР ОЛИМ ҚИСМАТИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига кўра, истибдод даврида бегуноҳ қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасини эзъозлаш мақсадида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси тузилган эди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги қарори билан Тошкентнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Республикамиз Президентининг 2001 йил 1 майдаги Фармони билан эса 31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни, деб белгиланди. Шу кунларда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурилиши ниҳоясига етиш арафасида.

Музейдан 20-йилларнинг бошларида Германияда ўқиб, 30-йиллар бошларида Ўзбекистонга қайтган бир қанча маҳаллий йигит ва қизларнинг қатағон йилларидаги фожиали қисматларини акс эттирувчи ҳужжатлар, далил-ашёлар ҳам ўрин олади. Бугундан бошлаб «Улар Германияда ўқиган эдилар» рукни остида ана шу ватандошларимизнинг бир гуруҳининг қисмати ҳақида ҳикоя қиламиз!

(2-бетга қаранг)

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«КАСАЛЛИК ТАРИХИ» НЕГА СОХТАЛАШТИРИЛДИ?

ЁКИ ШЎРЧИ ТУМАНИ МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ ТУҒУРУҚХОНА БЎЛИМИДАГИ АЙРИМ ОҚ ХАЛАТЛИ КИШИЛАРНИНГ ЛОҚАЙДЛИГИ ВА ЎЗ КАСБИГА СОВУҚҚОНЛИГИ ТУФАЙЛИ ЮЗ БЕРГАН ФОЖИА ҲАҚИДА

— Инсон тақдирдан қочиб қутулолмайди. Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўладида, — дейди Шўрчи туман марказий касалхонаси бош ҳакими Абдуғани Соатов.

Балки, бу гап ростдир. Аммо... ҳамма вақт ҳам айбни тақдирга боғлайвериш тўғримикан? Айниқса, шошилинч тиббий ёрдам берилмагани боис фарзанд кўриш илинжида ўз оёғи билан соппа-соғ (!) касалхонага келган Шаҳодат Рамозоновадек аянчли тақдир — совуққонлик, бемеҳрлик, аниқроғи, ҳомиладор аёлга нисбатан бўлган лоқайдлик туфайли юз берган бўлса-чи?

Воқеа қуйидагича: 2002 йилнинг 27 май тунги соат 12.00 ларда ҳомиладор Шаҳодат Рамозоновани қариндошлари Шўрчи тумани марказий шифохонасининг туғуруқхона бўлимига олиб келишади. Аёл бўлимга қабул қилинади. Эртаси, яъни 28 май куни Ш. Рамозонованинг турмуш ўртоғи Абдураим Саидов туғуруқхона бўлими бошлиғи, туман бош акушер-гинекологи Абдурахмон Поёновга учрашади.

А. Поёнов: «Ҳаммаси яхши бўлади, аёлингизнинг саломатлиги жойида, уч-тўрт кундан сўнг эсон-омон кўзи ёрийди» — дейди. Дейди-ю.. қизиқ, нимагадир фарзанд кутаётган аёл тақдири билан етарлича қизиқмайди. Буни ҳатто беморга «Касаллик тарихи»нинг ҳам ўз вақтида очилмаганидан билса бўлади.

(Давоми 2-бетда)

Саъдулла ҲАКИМ

ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Сиғмас соҳилига
суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир дала.
Бахмал амлокидан
дон териб, ҳар тонг
Осмон тандирига нон ёпар Фалак.

Она Ўзбекистон
маъволарида
Олтиндек товланар буғдой хирмони.
Бошоқ парвоз этар
қуш тумшуғида,
Тинмас чумолилар юкли карвони.

Ҳар ёнда тўкинлик,
кушойиш, кенглик,
Тангри аямади оби раҳматин.
Мулку дафинага эр-эгаменлик
Уйғотди деҳқоннинг рушду рағбатин.

Замона ҳикмати,
фикр гавҳари:
«Асл эгасига мулк ила ер бер.
Ўзи тўқу обод
бўлгани сари
Юртини ҳам обод айлагай фермер».

Кечаги гапларни
мижғиса нодон,
Силки этагингни, гапни чўртта кес.
Ўзбек деҳқонининг
измида, не тонг,
Тулпор каби кишнар замонавий «Кейс».

О, бу қадим тупроқ.
Бағрида яшар
Фарҳод тешасининг ярқироқ изи.
Асрлар қаърига
туташиб кетар
Қайроғи буғдойнинг попук илдизи.

...Сиғмас соҳилига
суман Саратон,
Ердан кўкка қадар буюк бир хаёл.
Тандирга камондай
эгилиб, ҳар тонг
Қуёшдек қирмизи нон узар Аёл!



ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА ҲАМ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг изчил ва самарали давоми Оқтовда бўлган навбатдаги учрашувда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз ва тожик халқлари дўстлиги, ҳамкорлиги, елкадошлиги, бир-бирини ҳамиша ва ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлашлари йўлида иқтисодий интеграция жараёнларини янада янги босқичларга кўтариш масалаларига катта эътибор берилди. Чунончи, коммуникация, энергетика, транспорт тизимларида бақамти ишлашга эришиш, сув ва ҳаво йўлларидан унумли фойдаланиш борасида амалий тадбирлар белгиланди.

Айни чоғда давлатлар раҳбарларининг халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, экстремизм, наркобизнес иллатларига қарши биргаликда олиб борилаётган курашни тобора кучайтириш, айниқса, Афғонистондаги вазиятни тўғри баҳолаш ва мунтазам огоҳ бўлиб туриш бўйича эришилган келишувлар жамоатчилик диққат-эътиборига молик бўлди. Юртбошимиз доимо изчил таъкидлаб келаётганларидек, бу жараёнлар ечими давлатлар ўртасида фақат ва фақат тенг ҳуқуқлилик ва тенг манфаатлилик асосида ҳал этилишига яна бир бор қатъий келишиб олинганлиги, мазкур учрашувнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

...Матбаачилар билан гурунгимиз ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг энг муҳим воқеаларидан бири — республикамиз ғаллакорларининг улкан меҳнат ғалабаси — давлатга дон топшириш шартномавий режаларини ошириб бажарганликлари ва ўриб-янчиб олинган ялпи ҳосил салмоғи бугунги кунда 4,5 миллион тонналик марра сари яқинлашиб бораётганлигига бориб тақалди.

— Оллоҳ бандасига ҳамиша қайишган, — гап бошлади кекса матбаачи Рустам Раҳмонов. — Астойдил сўраган жойимиз бор эканки, сувни ҳам, обҳавони ҳам аямади. Энди, бу, деҳқонларимиз ҳам меҳнат қилишди-да. Бўлмаса бунчадан дон қайда эди... Агар аҳоли томорқаларида етиштирилган дон маҳсулотларини ҳам хомчўт қилсак, 5 миллион тонна атрофида ғалла нақд....

...Оддий меҳнат кишиларининг мамлакатимизда рўй бераётган муҳим воқеаларни ўзларига хос жўн тилда шарҳлашлари, тўғриси, бизга кувонч бағишлади. Шу боисдан ҳам бу галги анъанавий рукнимиз остидаги таҳлил ва шарҳни атай шундай тайёрладик. Республикамизнинг кундалик ҳаёти ва аҳолиси турмуш тарзи ҳақида фақат қалам аҳлигина эмас, оддий меҳнат кишилари ҳам қандай сўзларкан, қандай баҳоларкан, деган ниятда кўр олган гурунгимиз тафсилотини имкон қадар баён қилишга ҳаракат қилдик.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

«ГУЛИРАЪНО» ЧЕВАРЛАРИ

— Биз қаллиғу қайлиғмиз, — дея ўзларини таништиришдан бошлади савдо фирмасига кириб келган ёш келин-куёвлар. — Мақсадимиз — сиздан иккимизга ҳам «кетворган» либослар олиш...

— Марҳамат, хуш келибсиз, тўй яқинми?

— Ҳа-да...

— Табриклаймиз, мана, кўринг, бири-биридан хушбичим, гўзал ва замонавий либослар...

Шаҳрисабздаги «Гулираъно» савдо ишлаб чиқариш фирмасида бўлсангиз, харидорлар билан бўлаётган бундай суҳбатларни куни бўйи тинглайсиз. Боиси, фирмада тикилаётган келин-куёвлар учун бежирим либослар, хотин-қизларнинг турли хил рангоранг кўйлаклари, халатлари, эркакларга даврбоп костюм-шимлар харидорлар дидини қозонмоқда.

Айни пайтда бу ерда ташкил этилган сартарошхона ва «Гўзаллик салони» маркази хизмати ҳам мақтовга молик.

— Келажакда, — дейди фирма раҳбари Гулираъно Турсунова, — маҳаллий хотин-қизларни касб-ҳунарга қайта ўқитиш маркази ҳам очиш ниятимиз бор. Унда аёлларга биз халқ ҳунармандчилигининг зардўзлик, каштадўзлик, пазандачилик ва бичиш-тикиш сир-асрорларини ўргатиш имконига эга бўламиз.

✧✧✧

Суратларда: чевар тикувчи Муҳайё Ҳазраткулова корхона раҳбари, устози — Гулираъно Турсуновадан сабоқ олаяпти; фирманинг ишчан ходимлари — Нигора Ризаева билан Нилуфар Турсунова келинларнинг янги тур либосларини кўрик-намойишга тайёрламоқдалар.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР

БИР ОЛИМ ҚИСМАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида Туркистон ва Бухоро Республикалари раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимбоев ва бошқалар ўлкани иқтисодий-маданий, илмий-техник қолоқликдан қутқариш учун, биринчи навбатда, турли билим юртлари ва мактабларида ўқиётган энг қобилиятли йигит ва қизлардан танлаб, Германияга ўқишга юбордилар. Булар орасида Бухородан Аҳмад Нойим, Самарқанддан Рауф Расулий, Хўжанддан Матқул Султон, Фарғонадан Темирбек Ғозибеков, Хоразмдан Марям Султонмуродова, Тошкентдан Саидали Хўжа, Иброҳим Орифхон, Аҳмаджон Иброҳимова ва Саттор Жаббор бор эди.

Бўлғуси ўзбек кимёгар олими Саттор Жаббор 1905 йили Тошкентда туғилиб, аввал эски мактабда, сўнг рус-тузем мактабида, 1918-1921 йиллари эса «Намуна» мактабида ўқийди. Уларга ўша даврнинг етакчи педагогларидан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Эсон афанди Мусаев, Шорасул Зуннун, Қаюм Рамазон дарс беришган, 1921 йили мактабни муваффақиятли битирган Саттор Жаббор билим юртига киради, кейинчалик бир гуруҳ ёшлар қатори Бухоро Халқ Республикаси томонидан Берлинга ўқишга юборилади. У ерда аввал дорилфунуннинг кимё бўлимига қабул қилинади. Германияда уларни, баъзи бир мустамлакачилик ғоялари билан заҳарланган рус монархиячиларининг масхаромуз муносабатларига қарши ўлароқ, немислар яхши кутиб олганликлари ҳақида шундай деб ёзган эди: «Сартлар Оврўпада нима қилади?» деган истеҳзолар билан матбуотларда (Берлинда чиқадурғон «Рур» газетасида) қичқириб ўтган эдилар. Ул қорни катта жаноблар бизни Оврўпо маданиятига муносиб кўрмаган эдилар!

Рус миллатчиларининг бу совуқ ва қўпол қарашларига қарши германлар томонидан яхши кутиб олиндик. Матбуот: «Туркистон уйғонди, уйғонсин!» каби ундовлар билан қизғин мақолалар ёзиб ўтди. Германияга янги келганимизда кўп мухбирлар биз билан кўришиб ҳам кетдилар. Ҳар қандай немис бизни оиласига қўшиб олиш учун эшикларини очиб қўйди. Оддий муаллимдан бошлаб, дўхтири, профессори тил ўрганишимиз учун қўлидан келган ёрдамини аямади...

...Яна биз учун унутилмас бир яхшилик қилдиларки, туркчамизни Оврўпо тиллари қаторига қўйдилар. Ўрта мактаб имтихонларида француз ёки инглизча ўрнида ўз она тилимизда синаш берамиз» («Германияда Ўрта Осиё талабаларининг икки йили», «Туркистон» газетаси, 1924 йил, 2 сентябрь).

1925 йилгача Берлиндаги ўрта

билим юртида немис тилини пухта ўрганган Саттор Жаббор 1925-1927 йиллар Ҳайделберг дорилфунунида, 1928-1931 йиллар Берлин университетининг кимё институтида ўқийди. 1931 йили стипендия бериш тўхтаб қолгач, у ёрдам сўраб университет профессорлари Шлейн ва Буйнштейнга мурожаат қилади.

1

Улар ўз шогирдларининг ўқишдаги қобилиятларини ҳисобга олиб, уни Александр Гумбольд номидаги фонд маблағи ҳисобига ўқита бошлайдилар. Саттор Жаббор бу йилларда Германияда ўқиётган бошқа туркистонлик ва бухоролик юртдошлари билан турли маданий-маърифий ишларда фаол қатнашади. Устози Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» асарининг Берлин нашри ташкилотчиларидан бири бўлади, ўзбек ва немис матбуотларида шеър ва мақолалари билан қатнаша бошлайди. Жумладан, у 1923 йили Берлинда нашр этилган «Кўмак» журналида «Тилак» деган шеърини эълон эттиради. Унда Саттор Жаббор муҳаббат изтироблари, унга етишнинг орзу ва хаёлларини романтик ҳис-туйғулар орқали ифодалашга уринади.

Шу йилларда у Берлиндаги Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракати раҳнамоларидан бири, машҳур туркийшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғон билан яқин алоқада бўлади ва унинг миллий истиқлолчилик ҳаракатига доир асарларини ўқийди, уларнинг баъзиларини немис тилига таржима қилиб, нашр этишга кўмаклашади. Бу ҳақда кейинчалик Аҳмад Закий Валидий Тўғон шундай ёзади: «Файзулла Хўжаев ҳукумати Туркистондан Берлинга 70 талаба юборган эди. Шулар ичида қозоқлардан Азимбек Беримжонов билан ўзбеклардан Абдусаттор бор эди. Ҳар доим бирга бўлдик, уларга қараб истиқлол учун кураш истиқболидан умидланиб турардим» (Аҳмад Закий Валидий Тўғон, «Бўлинганни бўри ер», Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1997).

Саттор Жаббор 1927 йил Германияда тахсил олаётган бир



ПРИГОВОР 9 [illegible]

[illegible] Союза Советских Социалистических Республик

выездная сессия

[illegible]ной Коллегии Верховного Суда Союза ССР

в составе:

[illegible]

гуруҳ юртдошлари Солиҳ Муҳаммад, Тўлаган Мўмин ва бошқалар билан бирга Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон зиёлилари қурултойида ҳам иштирок этади, советларнинг Ўзбекистонда миллий истиқлолчилик ғояларига қарши ўтказаётган машъум колониал сиёсатини қоралаб, мақолалар ёзади. Берлинда чиқадиган «Ост Оврўпа» журналидаги «Туркистон шеърияти ва шоирлари», «Дойче Альгемайне Цайтунг» газетасидаги «Туркистон аёллари» мақолаларида Ўзбекистонда аёллар озодлиги ва ҳуқуқий масалаларига тўхтаб: «уларни ҳақиқий озодликка советлар эмас, келгуси мустақил Туркистон чиқаражак», деб ёзади. Бундан ташқари, у немис тарихчиларининг Туркистон тарихига оид айрим асарларини шарҳлаб туради. Германиядаги фан-техника янгиликлари ва Ўзбекистонда янги лотин алифбосига ўтишнинг аҳамияти ҳақида ҳам мақолалар эълон қилади. Жумладан, у «Суюқ кўмир ва сунъий нефть» мақоласида ўша йилларда Оврўпо олимлари томонидан олиб борилаётган муҳим изланишлар ҳақида тўхтаб, шундай хабар қилади: «Ҳозирда кўп олимларнинг бошини айлантириб турғон масала кўмирни суюқлаштиришдир. Тош ҳам тупроқ, кўмир каби ёқилғилардан кўмирларни кимё воситаси билан бутун ҳосилмонларини (бензин, газ, иситиш мойларини) секин қиздириш йўли билан чиқара олмоқчилар...

Бензин ҳам бошқа нефть ҳосилларининг ёт эллардан келтиришга ўрганиб қолган мамлакатлар учун кўмирни суюқлаштириш жуда муҳим масалалардандир. Масалан, Германия Америкага ҳар йил юз миллионлаб олтин марка тўлайди. 1924 йилда 200 миллион марка тўланган бўлса, ҳозирда яна ортиб кетди. Мана шунинг учун ўн йилдан бери Германия илмий тех-

2

никаси табиий нефтдан бошқа сунъий нефть ўчоқлари топиш масаласи устида ишлайди. Бунинг учун Германиянинг энг бой кўмир кони олиниб, тажрибалар ясалмоқда...

Кимё илми кўмир билан нефть орасидаги боғланишни топгандан сўнгра суюқ ўтун учун кўмир шарафини оширгон бир йўл очди. Хулоса. Кўмирдан нефть чиқариш проблемаси (ҳал қилинмагон фаний масала) илм томонидан ечилган». («Суюқ кўмир ва сунъий нефть». «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1928). «Янги алифбо» мақоласида эса 20-йилларнинг охирларида Ўзбекистонда бошланган араб алифбосидан янги лотин алифбосига ўтишга доир тадбирлар, уларнинг янги иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришларни бошдан кечираётган республика ҳаётидаги муҳим аҳамияти, бу борада Озарбайжон, Туркия каби жумҳуриятларидаги тажрибаларни ўрганиш ҳақида батафсил тўхталади.

1931 йили Ўзбекистонга қайтиб келган Саттор Жаббор Ўрта Осиё Давлат медицина институти биохимия кафедрасида (1932-1934), кейинчалик (1935-1937) ноорганик кимё кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги коллегия аъзоси, Маориф комиссариати қошидаги Илмий кенгаш аъзоси вазифаларида ишлайди. Тошкент Давлат медицина институти ноорганик кимё кафедраси мудири Маърфуахон Алавиянинг ёзишича, Саттор Жабборга ўша йиллари «Кўп йиллик илмий ишлари мажмуаси учун химия фанлари кандидати илмий унвони берилган. Унинг асосий илми йўналиши хилма-хил химик хоссаларнинг ташкил топиш кинетикасини тадқиқ қилиш бўлган. Олимнинг 20 дан ортиқ илмий иши мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари немис тилидаги кимё дарсликларининг ўзбек тилига таржималари, шунингдек, русча-ўзбекча ва немисча-русча-ўзбекча кимё терминлари»дир. («Альманах», Ташкентский Медицинский институт (1920-1980), Т., «Медицина», 1980). Ўша даврда кинетика соҳасида бошлаган иши бугунги кунда мамлакатимизда жуда ривожланган. Олим Ҳуснитдин Рустамовнинг айтишича, кимё фанининг бу йўналиши ҳозир жаҳонда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, кинетиканинг илмий масалаларини ҳал қилмасдан туриб, тараққий қилган кимё саноати (кимё заводлари, нефтни қайта ишлаш), биохимия, фармацевтика, тиббиёт, қишлоқ хўжалигида бирор-бир ютуққа эришиб бўлмайди.

Академик Ёлқин Тўрақуловнинг хотирлашича, 1930 йилнинг бошларида медицина институти биринчи курснинг биринчи семестрида ноорганик кимё дарсини илк марта ўзбек тилида Саттор Жаббордан эшитган. Ўша даврда ноорганик кимё кафедрасининг мудири, Германиядан таклиф этилган профессор Энгланд Саттор Жаббор билан Германиядаги «Мерк» фирмасидан замонавий кимё лабораторияси асбоб-анжомларини олиб келишган. Маҳаллий кимёгар, медик кадрлар тайёрлашга эҳтиёж кучли бўлгани боис, улар умидли ёшларни кафедрага жалб этишга ҳаракат қилишган. «Айниқса, Саттор Жаббор мени видвиженец, субаспирант тайёрлаш мақсадида кафедрасига яқинлаштириб, кимёвий тажрибалар ўтказишда бевосита қатнаштирарди. Мен шу аснода баъзан Саттор Жабборнинг немисчадан ўзбекчага қилган айрим кимёвий китоблардан таржималари, мақолаларини кўчириб берар, ўзбекча лекцияларини русчага таржима қилиб берардим... У Европанинг илғор таълимини кўрган юқори малакали ва маданиятли ҳақиқий педагог олим эди. Дарсларни ўзбек тилида ниҳоятда чиройли, равон ўқирди. У ўша даврнинг етакчи олими ва ёзувчилари Отажон Ҳошимов, Санжар Сиддиқов, Ойбек ва бошқалар билан яқин дўст эди. Ойбекнинг рафиқаси, олима Зарифа Саидносирова, Абдурахим Шамсиев, Маҳмуд Ҳакимов ва бошқалар ҳам ўша даврда Саттор Жаббор кафедрасида ишларди. Ойбек оиласи билан ТошМИ ўқитувчилари уйида Саттор Жаббор билан ёнма-ён қўшни эдилар» деб эслайди Ё. Тўрақулов.

■ **Шерали ТУРДИЕВ**

3

(Давоми бор).

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«КАСАЛЛИК ТАРИХИ» НЕГА СОХТАЛАШТИРИЛДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тани бошқа дард билмас. Бировнинг жони оғригани билан бошқа бировнинг нима иши бор, деганларидай, на даволовчи ҳаким, на бошқаси Ш. Рамозоновага жиддийроқ ёрдам кўрсатиш, туғуруққа тайёрлашни хаёлларига келтиришмайди. «Касалхонага келибдими, ётаверсин! Биз бундан ҳам оғир аҳволдаги (?!) аёлларни туғдирганмиз». Бу Поёновнинг гаплари. Аммо Ш.Рамозонованинг қариндошлари (эътибор қилинг, туғуруқхона ходимлари эмас!) УЗИ аппарати ёрдамида ҳомиланинг аҳволини аниқлаш учун ташҳисчи шифокор Норгул Гулмирзаевага илтимос қилишади. Текширув натижасига кўра, «ҳомиланинг кам миқдордаги сув ичида турганлиги, юрагининг яхшилиги, аммо ҳомиладорнинг сув йўқотаётгани» айтилади. Шундан сўнг А. Поёновга яна қайта учрашадилар. Бундан дўхтирнинг жаҳли чиқиб кетади. Ш. Рамозонованинг турмуш ўртоғи ва бошқа қариндошларига қараб: «Нега бунча ҳовликаяпсизлар, касалхонада шу аҳволдаги аёлларнинг 70 фоизини туғдираяпмиз-ку!», — дейди.

Қариндош-уруғларининг қўлидан нима ҳам келарди.

Шаҳодат Рамозонованинг аҳволи кундан-кун ёмонлаша боради. 1 июль куни қаттиқ иситмалайди. Шифокорлар кўрсатмасига кўра, турли доридармонлар берилади. Аёлни кучли қалтироқ тутади. Шу куни кундуз соат 15.30 ларда ҳомиладор аёл минг бир азоб тортиб, кўз ёради. Афсуски, чақалоқ жонсиз эди.

Аммо туғуруқхона бўлими бошлиғи А. Поёнов бу ҳолни яширишга ҳаракат қилади, «Бола тирик туғилди, аммо жуда нимжон эди» — дейди. Боланинг ўлик туғилгани нима учун яширилди экан?

Бунинг тагида «бошқа гаплар» борлиги ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Ҳамма гап шундаки, бир неча кун аввал она қорнида бола ўлиб бўлган эди. Чунки, мутахассислар фикрича: қағоноқ сувининг туғуруқдан олдин кетиши она ва ҳомила учун хавфли ҳисобланади. Бундай ҳолатда яллиғланиш юз беради.

Ҳомила озиқланадиган аъзоларда яллиғланиш бўлгандан сўнг, ҳомиланинг аҳволи ёмонлашади, кўпинча онанинг қорнида ўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда яхши даволамаслик ва тезда туғуруқ бўлмаса аёлда сепсис бошланади. Сепсис — қонга кўп миқдорда микроб ўтиши ва қонда микробнинг кўпайиши демак. Хомиладорликда сепсис бўлиш — кўп ҳолатда она ва боланинг ўлими билан тугайди. Қағоноқ суви кетгач 5-6 соатдан сўнг тўлғоб бошланмаса — тезлик билан аёлни туғдириш чораларини кўриш лозим. Агар зарур муолажалар ёрдам бермаса, туғуруқни операция йўли билан амалга ошириш керак.

Бу ташҳис ким томонидан берилаётгани муҳим бўлмаса керак. Бу малакали гинеколог-шифокор томонидан Ш. Рамозонованинг ўлимидан сўнг билдирилаётган фикр.

Афсуски, Ш. Рамозонова ана шу юқоридаги билдирилаётган ҳолатда бўлган. Аммо 5-6 соат давомидагина эмас, ҳатто 90-100 соат ичида ҳам ҳомиладор аёлга зарур бўлган муолажалар кўрсатилмайди. Аксинча, ўзининг «терисини сақлаш» учун «ўлиб-тирилиб» ҳаракат қилган А. Поёнов ўз қўли остидаги шифокору ҳамшираларга, фожиа юз бергандан сўнг, марҳума Ш.Рамозонованинг «Касаллик тарихи»ни «рисоладагидай» қилиб ўзгартириб, «таҳрир» қилиш билан банд бўлган.

Ана шу боис Ш. Рамозонованинг ўлимидан сўнг, роппа-роса икки кун ўтгачгина 1793-рақам билан «касаллик тарихи» рўйхатга олинган.

Ҳа, бола ўлимидан сўнг орадан бир неча соат ўтгач, она ҳам ҳаётдан кўз юмган эди.

Энди ўзингиз ўйланг, қани бу ерда шифокор деган юксак номга лойиқ иш? Қани касалхонадаги тартиб-интизом?

Ҳа, Ш. Рамозонованинг ўлимига доир жуда кўп ҳолатлар била туриб бузиб кўрсатилган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа юқори идораларга ҳақиқат яширилиб, хаспўшланган нотўғри маълумотлар берилган.

Ҳатто А. Поёнов ушбу фожиа сабабларини ўрганиш учун Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари К. Тўлаев раҳбарлигида тузилган махсус комиссияга берган «тушунтириш хати»да:

1. «Бола туғилганда жуда оғир аҳволда туғилди, болага керакли ёрдам кўрсатиш лозим...».

2. «Туғуруқ тарихи»ни 28/05-2002 йилда кечаси қабул қилган навбатчи акушерка регистрация қилмасдан эсидан чиқариб қолдирган».

3. «Операциядан олдин қон кетганлиги тўғрисида операциядан олдин беморнинг қариндошларига хабар қилинди».

4. «Беморнинг температураси кўтарилганлиги тўғрисида менга ҳеч ким айтмаган»... каби узуқ-юлуқ гапларни, баҳона-ю ёлғонларни ёзади.

Аммо Ш. Рамозонованинг туғуруқ ва операция пайтида А.Поёнов билан бирга қатнашган ҳамкасблари — туғуруқхона навбатчи дояси Клара Солиева ва болалар шифокори Гульфия Вилдановалар ёзишган тушунтириш хатларида эса Ш. Рамозонова туғиш пайтидаёқ бола ўлик туғилгани, чақалоқ ўғил бола бўлганлиги, операциядан олдин эса ҳеч қандай қон кетиш бўлмаганлигини билдиришади.

Хўш, бундай ҳолатда яна қандай қилиб туманнинг бош акушер-гинекологи А. Поёновга ишониш мумкин?

Туғуруқхона навбатчи дояларидан бири Ойша Номозова: «Мен врач Абдурахмон Поёновга бир неча бор бемор Ш. Рамозонованинг аҳволи ҳақида айтдим, шошилинч ёрдам кўрсатиш лозимлигини билдирдим. Аммо у киши ўз ишимни қилишимни айтди», — дейди. «Агар бошиданоқ менга топширишганда бундай воқеа юз бермасди, айрим касалларга А. Поёновнинг ўзи қарарди, Ш. Рамозоновага ҳам унинг ўзи қаради», — дейди О. Номозова йиғламсираб.

Шундан кўриниб турибдики, бечора аёл Шаҳодат Рамозоновага зарур тиббий муолажалар кўрсатилмаган, ўз вақтида керакли ёрдам берилмаган. Унинг аҳволи ўта оғирлашгач, ҳаракат қилингану, фойдаси бўлмаган.

Энг ёмони туғуруқхона бўлимидагина эмас, бутун Шўрчи туман марказий шифохонасида инсон саломатлиги йўлида курашувчи шифокорлар лоқайдлик, боқибеғамлик ботқоғига ботишган кўринади.

Туман бош шифокори А. Соатов ва унинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари Ў. Сафаровлар бундай ҳолатларга «ўрганиб» қолишгандек. Туманда 78-80 фоиздан зиёд аёллар (бош шифокор ўринбосари Ў. Сафаровнинг айтишича) камқонликка учраган. Аммо уларни тумандаги бу ҳолатлар, турли юқумли касалликларнинг ортаётгани, чақалоқлар ўлими ташвишга солмаганга ўхшайди. Акс ҳолда, бу борада зарурий дастурлар ишлаб чиқилган, касалхонада бундай аянчли воқеалар юз бермаган бўлмасмиди?

Мавзудан бироз чекиниб, шуни айтиш жоизки, туман марказий шифохонасининг умумий аҳволи ҳам жуда ҳароб, антисанитария ҳолатида. Дори-дармон билан таъминлаш масаласи «қўнгилдагидек эмас», десак анча юмшоқ айтган бўламиз. Аммо неажабки, Шўрчидаги деҳқон бозорида куннинг шундай жазирамасида ҳам худди картошка-пиёз сотаётгандай очиқ жойда дори-дармонлар билан савдо қилиб ўтирган одамларни учратасиз. Нима, кун-кунора бозорга тушадиган туман марказий шифохонасининг бош ҳакими, унинг казо-казо ўринбосарлари-ю, қолаверса, туман СЭС мутасаддилари бу ҳолни кўрмайдиларми? Агар кўрсалар нима учун бундай ҳолга томошабинлар?

Энди яна Ш. Рамозонованинг ўлими сабабларига қайтайлик: вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг Шаҳодат Рамозонова ўлими юзасидан ўтказган текширув баённомасида (2002 йил 2 июлдаги 4-сонли) ҳам таъкидланганидек, Ш. Рамозоновага тиббий хизмат кўрсатишда қатор хато ва камчиликлару, кўзбўямачиликларга йўл қўйилган.

Ҳатто туғуруқхонада аёлни даволаш давомида зарур бўлган консилиум ташкил этилмаган.

Тўғри, Ш. Рамозонованинг ўлимидан сўнг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғига кўра, туман бош акушер-гинекологи А.Поёнов эгаллаб турган вазифасидан озод этилган, ўз вазифасига ва мутахассислигига лойиқлик даражасини аниқлаш учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шаҳодатлаш комиссияси ихтиёрига ҳавола этилган.

Бундан ташқари, туғуруқхона бўлимининг бошқа бир нечта шифокор ва ҳамшираларига ҳам тегишли жазолар берилган.

Аммо минг афсуски, бу кўрилган чораю-жазолар 34 ёшида ҳаётдан кўз юмган Шаҳодат Рамозонови қайтариб беролмайди. Айриликдан юраги бағри куйган оиласи, ота-онаси, қариндошуруғларига таскин беролмайди.

«Гиппократ» қасамини бузиб, улар имкон қадар ўз хатоларини марҳума билан бирга «қора ер»га кўмишга ҳаракат қилишди. Ҳатто операцияни 1 июнь кечаси соат 10-11 лар чамасида ўтказишиб, бизга операция «кундузи 5-6 ларда бўлди», деб айтишган. Гинеколог А. Поёнов ва реаниматолог С.Холмирзаевлар қайси виждон билан шундай йўл тутишди? Ҳатто марҳуманинг ўлимидан сўнг жасад патоанатомик текширувдан ўтказилмади» — дейилади таҳририятга йўлланган шикоят хатида.

Ушбу фожиа юзасидан айрим шахсий фикр-мулоҳазаларни билдирдик, холос. Туман прокуратураси олиб бораётган тергов ишлари масалани узил-кесил ойдинлаштиради, албатта.

Хуллас, фожиа юз берди. Шўрчилик бир гуруҳ шифокорларнинг ўз касбига совуққонлиги, масъулиятсизлиги, тошбағирлиги сабаб бир неча оилаларнинг бошига оғир кулфат тушди.

Энди қанча оҳ-воҳлару, куюнишлар бўлмасин, бари бефойда ва бесамар.

Энг ёмони, ана шу воқеа соғлиқни сақлаш тизимида сўнгги пайтларда юз берган ягона аянчли мисол эмас...

Бу ҳолатлар кишини оғир ўйга толдиради. Аччиқ, оғриқли саволларга жавоб излашга мажбур қилади.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

УЧРАШУВ МАРОҚЛИ ЎТДИ

Бўстонлиқ туманида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган «Уч авлод учрашуви. Маънавият ва узоқ умр кўриш сирлари» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, вилоят фахрийлари ҳамда юртимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни эъзозлаш хусусида фикр алмашилди. Юксак маънавият ва бой қадриятларимизнинг авлоддан авлодга ўтиб келишида бугунги кунда кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларимизнинг хизмати беқиёс экани таъкидланди.

Миллий маданият ва санъатимиз намуналарини акс эттирувчи рақс ва театрлаштирилган саҳна кўринишлари чет эллик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

ЭЛЧИХОНАДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» БАЙРАМИ

Берлинда ҳар йили «Дунё халқлари байрами»ни нишонлаш одат тусига кирган. Кечаётган йил ҳам бундан истисно бўлмади. Байрам билан бир каторда Германияда аккредитациядан ўтган 30 дан ортиқ мамлакат элчихоналарида «Очиқ эшиклар» куни ҳам ўтказилди.

Мазкур кунда Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси ҳам берлинликлар ва шаҳар меҳмонлари учун ўз эшикларини очди. Кун давомида Бундестаг депутатлари, Берлин шаҳар кенгаши, Германия Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакат сиёсий партиялари ва ижтимоий ташкилот вакиллари, ОАВ ходимларидан иборат юзлаб меҳмонлар мамлакатимиз дипломатик миссиясига ташриф буюрди.

Улар бу ерда Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, бугунги ҳаёти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, меҳмонлар эътиборига мамлакатимиз маданий мероси ва тарихий обидаларига оид фильм намойиш этилди.

Элчихонада ташкил қилинган ўзбек халқ ҳунармандчилик санъати намуналари кўргазмаси меҳмонлар учун кутилмаган совға бўлса, ўзбек ганч ўймакорлик санъати услубида ишланган нақшлар ва мармар безаклар билан қопланган юртимиз дипломатик миссияси биноси меҳмонларни батамом ўзига ром этди.

Берлин халқаро учрашувлар жамияти раҳбари Барбара Кройтляйн хоним Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг «Дунё халқлари байрами» фестивалидаги иштироки меҳмонларга буюк тарих ва маданият соҳиби бўлмиш ўлка ҳаётига яна бир назар ташлаш имконини берганини айтди.

■ «Жаҳон» АА

ТАШАББУС

ДЎХТИР ДЎСТЧОНОВНИНГ ТАШВИШЛАРИ

Ҳазорасп туман марказий касалхонаси режали жарроҳлик бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Эркин Дўстчонов «Хоразм клиник-экология маркази» ташкил қилганини эшитганимизда, тўғриси, аввалига унчалик эътибор бермадик. Аммо... бу йўсиндаги марказнинг МДҲ давлатларида ягона эканлигини билгач, унинг фаолияти билан танишишга ахд қилдик.

Аввало, ташаббускор инсон ҳақида икки оғиз сўз: у соҳасининг ҳаваскори эмас, том маънода профессионал. Ўттиз икки йиллик касб стажига эга. Воҳанинг чекка туманида ихтисослашган урологик хизматни йўлга қўйиш, хасталикларни замонавий усулларда даволашни юқори даражага кўтариш унинг зиммасига тушди. Дўстчоновнинг елиб-югуришлари натижаси ўлароқ Ҳазораспда туманлараро урология бўлими ишга туширилди. Ҳозир бу ерда Ҳазорасп, Боғот туманлари ҳамда Питнак шаҳри аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиляпти. Айни пайтда иш фаолиятини илмий изланишлар билан бақамти олиб борди ва «Оролбўйи минтақасида буйрак тош касалликларининг келиб чиқишидаги экологик омилларнинг аҳамияти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ўттиз йилки, жарроҳлик столида собит турган врачнинг бошига «ортиқча ташвиш» сотиб олиши тасодиф эмас...

«Клиник-экология маркази» ташкил қилинишидан кўзланган мақсад эса бу ерда касаллик аломатларининг экология билан боғлиқлиги ўрганилади. Шу тахлит Оролбўйи аҳолисига илмий, амалий клиник-экологик ёрдам кўрсатиш йўллари ишлаб чиқилиб, ихтисослашган тиббий ва экологик хизматни ташкил қилиш имкони яратилди.

Урологик хасталиклар деганимизда кўз олдимизга, аввало, жарроҳ тиғи келади. Дўхтир Дўстчонов эса биринчи навбатда шундай хасталикларга чалинган беморларни тиғсиз даволаш тарафдори. Бунинг учун нафақат замонавий ускуналар, балки доривор ўсимликлардан тўғри ва тартибли фойдаланиш зарур.

Дўхтир Дўстчонов шу мақсадда Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалигида ўн беш турдаги доривор ўсимликларни етиштиришни йўлга қўйди. Булар тош тушириш, тош ҳосил бўлишининг олдини оладиган доривор ўсимликлар: тирноқгул, рўян, наъматак, гулхайри, далачой ва бошқалар.

Доривор ўсимликлар ёрдамида урологик хасталикларни даволаш жарроҳлик йўли билан даволашдан кўп марта арзон. Энг асосийси, тиғ қайда-ю доривор қайда?!

Шу тахлит Ҳамдўстлик мамлакатларида ягона бўлган марказ илк қадамини қўйди. Марказни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад рўёбга чиқа бошлади. Аммо, салкам уч юз минг аҳоли яшаётган, уларнинг аксарида урологик хасталиклар аломатлари бўлган шароитда марказ фаолиятини тўла йўлга қўйиш учун бир қатор муаммолар мавжуд. Кўпинча маблағ масаласи кўндаланг бўлади.

Дўстчонов бу борада «Экосан» жамғармасига бир неча марта амалий таклифлар билан борди. У ердагилар ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Айрим ускуналарни лизинг йўли билан харид қилиш мақсадида «Ўзбек Лизинг Интернешнл АЖ» компаниясида бўлди. Тағин иши битмади.

Дўхтир Дўстчонов иродали инсон, қатъиятли шифокор. Ҳар бир сўзи амалиётга айланишига, қилаётган янгилиги лоақал бир бемор дардига даво бўлишига интилади. Бу борада ҳар қанча елиб-югуришга тайёр. Фидойи инсонлар Озод Ҳусаинов ва Болтабой Худойназаровларнинг «экологик лойиҳа»лари қоғозларда қолиб кетди. Бу лойиҳаларни ҳамма маъқуллади, ҳатто патент ҳам беришди, аммо иш маблағга бориб тақалганда...

Дўхтир Дўстчоновнинг олижаноб мақсадларга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари шу тахлит тўхтаб қолмасайди, деган хавотирдамиз-да.

Экологик минтақада умргузаронлик қилаётган инсон сифатида биз ҳам гоҳида биқинимизда оғриқ сезамиз ва «тош балоси»га гирифтор бўлмадикми, деб ташвишланиб қоламиз...

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ

ЯПОНИЯДА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ

Япония ижтимоий таъминот тизимининг бош бўғини ижтимоий суғурта ҳисобланади ва унинг вазифаси вақтинчалик ёки бутунлай меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларга ёрдам кўрсатишдир. Ижтимоий ёрдам ихтиёрий ва мажбурий тарзда ташкил этилган суғурта фондлари ҳисобидан фаолият кўрсатади.

Мамлакатда ижтимоий таъминот тизими бўйича 1973 ҳамда 1983 йиллари ислоҳот ўтказилиб, маблағлар миқдори оширилди, аҳоли ижтимоий таъминот доираси янада кенгайтирилди.

Давлат айрим ҳолларда нафақага қўшимча миқдорда дотация тўлайди. 1941 йилдан бошлаб Японияда «фаравонлик нафақаси» ташкил қилинган бўлиб, 1980 йилда бу нафақани олувчилар 26,8 миллион кишини ташкил этган, уларнинг ҳаммаси хусусий корхоналарнинг ишчилари бўлган. Суғурта фонди маблағларининг асосини ишчилар тўлайдиган бадал ташкил қилади, бу иш ҳақининг 11,3-13,6 фоизини ташкил этиб, маблағнинг ярмини суғурталанувчилар, қолган ярмини эса иш берувчилар беради. Ўз навбатида ҳукумат нафақа суммасининг 20-25 фоизини тўлайди. Нафақа қарилиги, ногиронлиги, боқувчисидан ажралганлиги учун берилади.

Айрим хусусий корхоналар ўз ходимларига давлат нафақасига қўшимча нафақа беришни ташкил этиб, агар ходим ишдан бўшаётган бўлса, иш ҳақининг 40 баробари миқдорида моддий кўмак тўлаб, кейин бўшатадилар. Ҳозирги кунда Японияда ги 99,2 фоиз компаниялар нафақа ёшини 60 дан ҳисоблашади. Мамлакат бўйича ягона нафақа ёши 65 ёш деб белгиланган.

Япония соғлиқни сақлаш суғуртаси Осиё қитъасида энг намунали саналади. Соғлиқни сақлаш фонди суғурта фонди томонидан молиялаштирилади. Аҳолининг маълум гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш суғурта фонди ишчиларнинг суғурта бадаллари, давлат маблағлари ҳисобига ҳамда корхоналар ўтказадиган маблағ ҳисобига вужудга келтирилади. Мамлакат соғлиқни суғурталаш миллий тизими асосан кичик мулкдорлар синфини қамраб олган бўлиб, 45 миллион киши хизмат кўрсатади.

Фуқаро касалхонада даволанса, бировларнинг қарамоғида яшайдиганларга давлат 70 фоиз харажатни тўлайди, 30 фоизини эса фуқароларнинг ўзлари тўлашади. Айрим ҳолларда касални даволаш учун харажатлар кўпайиб кетса, харажатнинг бир қисми суғурта пули ҳисобидан қопланади. Япония суғурта тизими фуқароларга ҳамма шароитда ҳам ёрдам беришга мўлжалланган. Ташкилот ва муассасалар билан ҳисоб-китобларни Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирлиги тасдиқлаган тиббий хизмат кўрсатиш таърифларига асосан олиб бориш мамлакат бўйича жорий этилган.

Суғурталанган фуқаро ишга чиқмаган, жароҳат олган, таътил ва бошқа ҳолларда 4 кундан бошлаб меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун 60 фоиз миқдорида иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай тўловлар энг кўпи билан 6 ой муддатга тўланиши мумкин. Бола туғилганлиги ва болага қараш учун ҳам махсус пул тўловлари амалга оширилади.

Японияда ҳар йили 60 ёшгача бўлган қарияларни тиббий кўрикдан бепул ўтказиш ва 70 ёшга кирганларга бепул ёрдам кўрсатиш жорий қилинган. Мутахассис маслаҳати ва тиббиёт ҳамшираси хизматига тўланадиган пулнинг маълум миқдори қарияларга имтиёзлар тариқасида бериш кўзда тутилган. Умуман, Японияда ижтимоий суғурта ижтимоий ҳимоянинг асоси сифатида қабул қилинган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

■ **Ҳабибулла БОБОЕВ,**
ТДИУ кафедра мудири,
иқтисод фанлари доктори, доцент
Қамариддин ҚЎЛДОШЕВ,
катта ўқитувчи



ЯПОНИЯ БИНОКОРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Савдолар 2002 йил 21, 28 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага қўйидаги объект қўйилади:

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида жойлашган «Озиқовқатсаноат» уюшмасига қарашли «Самарқанд чой қадоқлаш» фабрикаси.

Бошланғич баҳоси — 4 019 111 АҚШ доллари.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Ички: 153.
Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

ЯНГИ ИТТИФОҚ

Европа Иттифоқи Африка Иттифоқи ташкилоти тузилганини қўллаб-қувватлади. Европа кенгашига ташқи ишлар вазирлари даражасида раҳбарлик қилаётган Дания ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Пер Стиг Меллернинг баёнотида шундай дейилади.

Ҳужжатда айтилишича, Африка Иттифоқининг тузилиши қитъа халқлари ўртасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, Африканинг иқтисодий ривожи йўлида муҳим қадам бўлади.

АФВ ЭТИЛДИ

Марокаш қироли Муҳаммад VI тўй ўтказиши муносабати билан 8425 нафар маҳбусни афв этиш тўғрисидаги фармойишга имзо чекди. Улардан 1080 нафарини қари маҳбуслар, касалмандлар, ногирон ва ҳомиладор аёллар ташкил этади.

Қирол шунингдек, 42200 жиноятчининг қамоқ муддатини қисқартирди.

Тўй тантаналари келгуси йил мартда қироллик саройида ўтказилади.

ЯНГИ ҲАРБИЙ САМОЛЁТ

Америкaнинг барча турдаги қуролли кучларига мўлжалланган янги жанговар ҳарбий самолётни яратишда Туркия НАТОнинг еттинчи аъзоси сифатида қатнашмоқда. Бу лойиҳа учун Туркия ҳукумати 175 миллион доллар миқдорида инвестиция ажратади.

«Joint Strike Fighter», дея номланган янги самолёт қуролли кучларнинг мудофаа тизимида алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

XORIJDA

АРИГА ТАЛАНДИ

Австриянинг Линц шаҳри четида яшовчи 90 ёшли қарияни мингга яқин асаларилар галаси талаган бўлишига қарамай, соғлиғига путур етмади. Одатда катта ёшдаги соғлом одамлар 100 дан 500 тагача арилар чақишига бардош беролади. Агар ортиб кетса аллергик фалажлик бошланади.

Қария ўзининг асалариларига муҳофаза кийимисиз ишлов бераётган эди.

МУЗЁРАР ЁРДАМГА КЕЛДИ

Аргентинанинг музёрар кемаси 6 ҳафтадан бери Антарктида музликларида «асир»да турган «Магдалена Олдендорф» кемаси яқинигача, аниқроғи, қалин музликлар чегарасигача етиб борди. Музёрар кемадан кўтарилган икки вертолётдаги мутахассислар «Магдалена Олдендорф»ни ўраб турган музлар қалинлигини ўлчаб, уни парчалашга музёрар кеманинг қуввати етиш-етмаслиги борасида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Чуқур илмий таҳлилдан сўнггина музёрар «Магдалена Олдендорф»га ва унда қолган 12 нафар денгизчига ёрдам бера олади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Португалия парламенти буқалар жангига рухсат берувчи янги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Барранкос қишлоғида буқалар ўлимигача давом этадиган жанг қоидаси сақланиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам янги қонунда фақат шу қишлоқда тореодорнинг буқа билан жангига рухсат этилди. Қонунга кўра, тореодор буқани ўлдиргачгина ўйин тугайди.

Мамлакатнинг қолган ҳудудларида эса оддий корридага рухсат этилди холос.

Аслида бу қонунга қарши чиқувчилар ҳам бўлди. Юзга яқин одам парламент биноси олдида ушбу қонун қабул қилинишига норозилик билдиришди. Собиқ актёр, жониворлар муҳофазаси билан шуғулланувчи, таниқли Брижит Бардо ҳатто бош вазирга илтимоснома жўнатди — буқа ўлими билан тугайдиган корридага рухсат бермаслик тўғрисида. Аммо қонун лойиҳаси мамлакат президенти, шунингдек, парламентнинг кўпчилик аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

МУДДАТ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Тунисининг апелляция суди 28 ойга қамалган оппозициядаги журналистнинг қамоқ муддатини 4 ойга қисқартирди, яъни 24 ой қилиб белгилади.

Зухаир Яхёи оппозициянинг веб сайтида ишлаган. У Тунис Президенти Зин Ал Обидин бин Алини шафқатсизларча танқид қилгани учун июнь ойида ҳибсга олинган эди. Суд жараёнида журналист ўзининг айбсизлигини уқтирди. Уни турли мамлакатлардан келган 30 нафар ҳуқуқшунос ҳимоя қилди.

Журналистларни ҳимоя қилиш бўйича шуғулланувчи Нью-Йорк қўмитаси ўтган йили Тунис президентига «Матбуот эркинлигини бўғувчилар» рўйхатини берган эди.

Журналистлар ҳуқуқи бузилаётганлиги ҳақида маҳаллий матбуот баёнот ҳам берди. Аммо Тунис раҳбарияти буни бўҳтон, мамлакатга иснод, дея баҳолади.

ОЗОДЛИКДА ЯШАЙ ОЛМАДИ

Калифорниялик 92 ёшли қария Ковал Рассел қамоқдан чиққач, икки ҳафтадан сўнг ўз жонига қасд қилди.

Гап шундаки, у озодликда яшай олмади. Бечора қамоқдан озод этмасликларини сўраб округ судига мурожаат этган эди. Бироқ, рад жавобини олди. Натижада ўзини кўприкдан дарёга ташлади. Ажабланарлиси шундаки, у мустақил юролмасди, кўприкка қандай қилиб борган — буни ҳеч ким билмайди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ковал Рассел Калифорниянинг энг кекса маҳбусларидан бири эди.

МУЛОҲАЗА

БОЛАНГИЗНИНГ ХАТИНИ ЎҚИЙ ОЛАСИЗМИ?

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҲУСНИХАТИ ХУСУСИДА

Халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Лицей ва коллежларнинг кўпайиши, фанлар бўйича олимпиадалар, кўрик-танловлар уюштирилаётгани, синфлар компьютерлаштирилаётгани, иқтидорли болалар чет мамлакатларга ўқишга юборилаётгани... ҳамма-ҳаммаси кишини қувонтиради, албатта. Аммо шу жараёнда бир масала:

Ота-боболаримиз ўтмишда ҳуснихатга алоҳида эътибор беришган. Девонхоналарда энг моҳир мирзолар хизмат қилган. Нафис, бежирим, тиниқ ва аниқ ёзилган битиклар асрлар оша бизгача етиб келган. Бундай чиройли битикларни санъат асарига қиёсласа бўлади. Ҳуснихат инсоннинг ички дунёси, фалсафий фикр ифодаси десак муболаға бўлмайди.

Яқинда бир шифокор дўстим билан сухбатлашиб, тиббиёт ходимларининг ёзувларини англаш қийин эканлиги ҳақида гапирдим. У бўлса: «Дўхтирларга ҳуснихатнинг дахли йўқ. Чиройли ёзиш тиббиёт ходимининг функциясига кирмайди. Қолаверса, яқин келажакда ҳамма жараён компьютерлашади», деди.

Балки шундайдир. Ҳамма нарсани техника бажарар. Аммо бундай ёндашув билан қўлёзма, ҳуснихатни йўқотиб қўймаймизми? Кузатишларга қараганда, Қорақалпоғистон мактаб ўқувчиларининг ҳуснихати беўхшов экан, ҳатто ўзлари ёзганларини ўзлари ўқий олмайдиган ўқувчилар ҳам учрамоқда. Ҳуснихатга эътиборсизлик, лоқайдлик билан ёзиш ҳоллари кўпайиб бораётганга ўхшайди.

Каримбой РАЖАБОВ, Амударё тумани халқ таълими бўлими услубият хонаси мудири:

— Туманда 88 та мактаб бор. Бошланғич синф ўқувчиларининг коллеграфиясини яхшилаш мақсадида ўқитувчиларга ҳуснихат учун бир соатдан ажратганмиз. Ҳозирча натижаси сезилмаяпти. Ўйлайманки, болаларнинг чиройли ёзуви, аввало ўқитувчиларнинг ҳуснихатига боғлиқ. Афсуски, бошланғич синф ўқитувчиларининг аксарияти ўрта махсус билим юртларини тамомлаган. Билим юртларида эса ҳуснихатга эътибор кам бўлса керак.

Айпарша ИСКАНДАРОВА, Нукус тумани, «Катти-ағор» ширкат хўжалигидаги 17-ўрта мактаб директори:

— Ўттиз йилдан бери маориф соҳасидаман. Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўқувчиларнинг ёзувига эътибор сусайди. Болалар ёзув қоидаларига амал қилмай, палапартиш ёзишни одат қилишмоқда. Менимча, бундай ноҳушликнинг олдини олиш учун мактабларда ҳуснихат дарслари учун ҳафтасига 2-3 соат вақт ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ғофур ҚАЛМУРОТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари:

— Биламизки, таълим бошланғич синфдан бошланади. Ўқитувчи ҳарфларни тўғри, аниқ ва чиройли ёзишга ўргатади. Болаларда эшитиш, кўриш ва ёзиш кўникмалари ҳосил бўлади. Алифбони ўргатиш даврида ўқитувчи билан ота-оналар ўртасида узлуксиз алоқа йўлга қўйилса самарали бўлади. Чунки бола икки томонлама кузатувда туради. Айниқса, лотин ёзувидаги ўзбек алифбосига ўтилиши муносабати билан бундай масалага жиддийроқ ёндашганимиз маъқул. Эҳтимол, ҳуснихат масаласи ҳам муаммо бўптими, келажакда ҳамма нарса технология ва компьютерлар зиммасида бўлади-ку, деган эътирозлар ҳам айтилар. Ҳар қандай шароитда ҳам биз чиройли ёзишни унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, бундай фикр-мулоҳазаларни Нукусдаги 18-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Қизларгул Хўжамуротова, 34-мактаб ўқитувчиси Алима Султонниёзовалар ҳам билдиришди.

Инсон ақл-идроки, тафаккури тинимсиз равишда ривожланиб боради. Ёзув кашф этилганидан буён ўтган давр мобайнида юз берган янгиланишларни кўз ўнгимизга келтирайлик. Ёзув ва ёзув воситалари нақадар ўзгарди. Бугун биз электрон ҳисоблар ва компьютерлар даврида яшамоқдамиз. Босма китобдан компьютерлаштирилган китобга ўтиляпти. Жумладан, Хитойда электрон дарсликлар йўлга қўйила бошланибди. Сўзсиз, дарсларни техникалаштириш яхши. Болаларимиз ҳам шунга яраша ўзларидаги имкониятларини юзага чиқараверадилар. Аммо инсон боласи ҳамиша мумтозликка содиқ қолган. Ҳуснихатда ўзига хос маданият, бадиий сехр, қунт, руҳий олам ва яна инсоний кўп нарсалар борга ўхшайди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЙЎЛ БЎЙИДАГИ ОҚ ГУЛЛАР

Наманган вилояти ўзининг кўкаламзорлиги билан Фарғона водийсидан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, аёллари гул ўстиришни ёқтиришади.

Косонсой туманининг Қўқимбой қишлоғида яшовчи уй бекаси Шаҳло Азизова ўтган йили қишда қўшнилари Малика Йўлчиева, Саболҳат Мақсудова, Дилбар Хаитоваларни ёнига чорлаб, қўнглидагини ўртага ташлади: Ҳаммамизнинг ҳовлимиз катта йўл ёқасида бўлганлиги учун ўтган-кетганнинг назари тушади. Йўл бўйига мойчечак эксак жуда чиройли бўлар эди-да! Бу гулни латифлигидан ташқари дориворлигини айтмайсизми? Маслаҳат пишди. Эрта баҳорда йигирмага яқин хонадон кўча юзасига қатор қилиб мойчечак гули экишди.

Шу кунларда машинада ўтган ҳам, яёв юрган йўловчи ҳам оқ гуллар олдида бир зум тўхтайди. Гуллар латофати кимни мафтун этмайди, дейсиз!

■ **Феруза ХУДОЙҚУЛОВА**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

КИТОБ — КОМИЛЛИК КЎЗГУСИ

УНИ ЭЪЗОЗЛАГАН МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ БЎЛАДИ

Ҳар бир мамлакатда иқтисодий тараққиётни бартараф этишга балки ўн йилликлар керак бўлар. Лекин, жамиятда маънавий кемтиклик ҳосил бўлса, унинг оғир оқибатларини тугатишга бутун бир авлоднинг умри етмаслиги мумкин. Ҳозир республикамизда маънавият бош масала даражасига кўтарилди. Унинг замирида эса энг аввало, билим, китоб, ўқиш ва ўқиш ётади. Маънавиятсиз ҳеч бир жамият олға қадам босолмаган. Китоб эса маънавиятнинг ўқ илдизи, бош бўғинидир.

«Турон» илмий-универсал кутубхонасининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Вазира СОБИРОВА билан бўлган мулоқотимиз бугунги кунда юртимизда маънавий соҳада кечаётган ислоҳотларнинг самараси, колаверса, китоб ва китобхонлик ҳақида.

— Истиқбол сари одимлаётган юртимизда юксак маънавий мухитни яратиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинаётган экан, айтингчи, бу борада ўтмиш меросимизнинг қайси жиҳатларига кўпроқ суянсак арзийди?

— Дарҳақиқат, эртанги кунимизни ўйлаб олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг асосийларидан бири — бу маънавий-маърифий соҳада қилинаётган ишлардир. Маънавиятнинг ўрнини ҳеч бир тамойил босолмайди, уни бошқа бир тушунча билан тақлослаб ҳам бўлмайди. Юртимиз шуҳратини дунёга ёйиш учун аввало комил фарзандларни тарбиялаш лозим. Бинобарин, маънавий-руҳий тарбия воситаси бўлмиш китобнинг аҳамияти ҳам шу қадар кенгдир.

Халқимизда азалдан уч нарса эъзозланиб келинган. Булар: киндик қони тўкилган тупроқ — Ватан, энг азиз неъмат — нон ҳамда билимлар манбаи бўлмиш китоб. Китоб — комиллик кўзгуси. Меҳригиёҳдек нур сочиб турувчи бу восита ҳаётимизга мазмун олиб киради. Шу сабаб бўлса керак, аждодларимиз моддий бойликдан китобни афзал билишган.

Халқимизнинг кечмишини бир эсланг, қанчалар улуғ донишлари бўлган бу элнинг. Уларнинг ҳар бири ўз даврида жаҳон тамаддунининг бешиги саналган Шарқнинг машъали бўлган. Уларнинг биз авлодларга қолдирган мероси беҳисоб. Ана шу улуғлар ҳаётига назар солсак катта ҳикматларни илғашимиз, улардан кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Демоқчиманки, ҳар бир миллатнинг ардоқлайдиган туйғуси бўлади. Келажак авлод ўша туйғу таъсирида камол топади. Маърифат миллатнинг олий туйғусига айланса, ўша халқнинг эртаси ишончли эканлигидан далолат эмасми? Юртимиздаги маънавий соҳада қилинаётган ислоҳотларнинг самарасини ана шундай англамоқ керак, деган бўлардим.

— Китобнинг ҳаётимиздаги аҳамияти нақадар катталигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Аммо ҳамма ҳам китоб ўқишни ёқтиравермайди. Энди айтинг-чи, қандай қилиб китобхон бўлиш мумкин?

— Бу саволингиз бир нарсани ёдимга солди. Яхши эслайман, болалигимда оиламизда китобга меҳр билан муносабатда бўлинарди. Тез-тез китобхонлик кечалари бўлиб ўтарди. Қизиқ-қизиқ китобларнинг ўқилиши биз болаларни завқлантирарди. Ана шу сабаб бўлса керак, менда ёшликдан китобга меҳр пайдо бўлган.

Саволингизга келсак, ҳар қандай китобхоннинг шаклланиши учун биринчи муҳит оила саналади. Оилада китобга ҳурмат бўлса, болаларда ўз-ўзидан китоб ўқишга иштиёқ пайдо бўлади. Бунинг учун ота-оналардан озгина эътибор талаб қилинади, холос. Улар вақтида болада қизиқиш пайдо қила олса, навбатдаги бўғинлар — боғча, мактаб, қолаверса, юқори босқичларга етганда у чин китобхон бўлиб етишади. Ҳар бир ота-она болани ҳали гўдаклигидаёқ китоб билан «муомала» қилишга ўргатиб борса, китоб ўша оилада улғаяётган фарзанднинг олий эҳтиёжига айланади.

— Ривожланаётган оламимизда турфа қашфиётлар, замонавий техника ўрин «талашаётган» бир пайтда, баъзан, умуман китоб ўқилмай қўйди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Шу фикрга муносабатингиз?

— Бу гапни икки хил талқин этиш мумкин. Биринчидан, ончалик асослимас, деб ҳисоблайман. Негаки, олдин китоб ўқишга қизиққан одам бирданига ундан узилиб қолиши мумкин эмас. Қолаверса, ёшлар бор. Улар ҳамиша билимга чанқоқ бўлишади. Ўзингиз гувоҳи бўлгандирсиз, кутубхонамизнинг ўқув зали ёшлар билан гавжум.

Юқоридаги фикрнинг нисбатан асосли томони ҳам бор. Тўғри, ҳозирга келиб мукаммал китоб ўқиш даражаси бироз камайган. Буни бадиий адабиётлар мутолаасида кўриш мумкин. Китобхонни жон бошига ҳисоблаганда, ҳозирги кўрсаткич бундан саккиз-ўн йил олдингисидан бироз фарқ қилиши мумкин. Лекин, бу умуман китоб ўқилмай қўйди, дегани эмас.

— Бугунги китобхоннинг савияси, уларни айни пайтда қандай адабиётлар кўпроқ қизиқтириши ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Замонавий фан-техника тараққиёти ривожланиб боргани сари одамлар онгидаги тушунча ва қарашлар ҳам ўзгариб боради. Кечагина ҳамма учун ардоқли бўлган туйғу бугун ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Ёки аксинча...

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, назаримда, одамлардаги қизиқиш хилма-хил тус олмоқда. Буни ўқилаётган адабиётлардан ҳам билса бўлади. Ҳозир одамларда юртимиз ҳаётига оид асарлар, миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳидаги, шунингдек, ҳуқуқий-иқтисодий ҳамда тарихий адабиётларга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда.

Биз тараққий этиб бораётган жамият фуқароларимиз. Замон янгиланиб боргани сайин фикр ва кечинмалар ҳам янги босқичга кўтарилиб бораверади. Буни англаган киши, албатта ўзининг илмий ва ақлий салоҳиятини ошириб боришга ҳаракат қилиши муқаррар.

— Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳамма вақт уларда илм-маърифатга чанқоқлик етакчи хусусият саналган. Мустақиллигимиз янги маъно ва мазмун касб этишида, колаверса, юртимизни янада юксалтиришда, бадиий адабиётнинг сизнингча, ўрни қандай бўлиши керак?

Миллат келажагини адабиётсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозир қай тарафга назар ташламанг, ўзгаришни, бирор янгиликни кўрасиз. Ҳаёт қозонида қайнаган ижодкор буларни илғамаслиги мумкин эмас. Қани энди, адабиётимиз жонкуярлари бугунги куннинг асл моҳиятини, қолаверса, одамларнинг дилидаги орзу-армонларини бадиий асар тили билан қизиқарли баён қилиб беришса. Замонамиз қаҳрамонларининг сиймолари яратилса...

Адабиётимиз қашшоқлашиб қолди, демоқчи эмасман. Яхши асарлар яратилаяпти. Лекин бу китобхоннинг кун сайин ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини қондиришга етарли эмас.

Сўзимнинг сўнггида шуни айтмоқчиманки, аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлишимиз учун, улар яратган асарларни ўрганишимиз, ибрат олишимиз лозим. Қолаверса, бугун сайёрамизда кечаётган жараёнлардан бехабар қолмаслик учун жаҳон адабиёти намуналарини ҳам мутолаа қилиб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди. Зеро, ана шундагина биз ўзимизни тенглар ичра тенг эканлигимизни, келажаги порлоқ юртнинг муносиб кишилари эканлигимизни намоён қила олишимиз мумкин.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди**

INTER-SPORT

МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини янада ошириш мақсадида «Тўмарис», «Алпомиш» республика фестиваллари мунтазам ўтказиб келинмоқда. 25-27 июль кунлари Гулистон шаҳрида навбатдаги «Алпомиш» ўйинлари фестивалини ўтказиш режалаштирилганди. Аммо республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси айрим сабабларга кўра, ушбу тадбир муддатини 12-14 августга кўчирди. Мусобақа дастуридан тортишмачоқ, елкада кураш, хўрозлар жанги, минди, бўрон, тош кўтариш сингари халқ ўйинлари жой олган.

ПАВЛОДАРДАН ҚУРУҚ ҚАЙТИШМАДИ

Қозоғистоннинг Павлодар шаҳрида акробатика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада мезбонларидан ташқари Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон спортчилари ҳам иштирок этишди.

XIV Осиё ўйинлари олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаган мазкур турнирда 15 нафар вакилимиз ўз омадини синаб кўрди. Спортчиларимиздан Бахтиёр Хўжаев бош соврин соҳиби бўлди. Шунингдек, Григорий Казарян ва Нурмурод Дуюновлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, иккинчи ўринни эгаллашди.

КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Шу кунларда мамлакатимиз терма жамоалари турли халқаро турнирларда иштирок этишмоқда. Бу мусобақалар эса спортчиларимиз учун сентябрь-октябрь ойларида Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўладиган навбатдаги Осиё ўйинлари олдидан муҳим синов вазифасини ўтаяпти.

Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтган халқаро турнирда вакилларимиз ҳам муносиб қатнашдилар. Дунёнинг ўттиз давлати спортчилари қаторида гиламга чиққан терма жамоамиз аъзолари Аслиддин Худойбердиев (60 кг.) кумуш, Дилшод Орипов (66 кг.) ва Алексей Чеглаков (96 кг.)лар бронза медаллари соҳиби бўлишди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ТРУСЬЕ ЯПОНИЯ БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Жаҳон футбол чемпионатида Япония терма жамоасини юқори ўринларга олиб чиққан франциялик мураббий Филипп Трусье билан хайрлашув маросими бўлди. Халқаро аэропортда мураббийни кузатиш учун минглаб мухлислар тўпланишди. Улар мураббийдан мамнун эканликларини ошкора билдириб, «Трусьега раҳмат!» деган ёзувларни кўтариб олишган эди. Умуман, бу мураббийнинг омади чопиб турган кўринади. Уни ҳатто Франция терма жамоасига бош мураббий қилиб тайинлаш ҳақида ҳам гаплар бор.

ЛЬЮИС ТАЙСОН БИЛАН ЯНА УЧРАШМОҚЧИ

Жаҳон чемпиони Леннокс Льюис яна Майк Тайсон билан рингга чиқмоқчи эканини маълум қилди. Фақат бунинг бир шарти бор. Агар унга бир йўла 30 миллион доллар ҳақ тўлашса, бу учрашувга рози бўларкан. Ваҳоланки, дастлабки ўйинда Тайсон 8-раундда зарба еган. Шунга қарамай, ҳар иккала боксчига 17,5 миллион доллардан берилган эди.

ФИФАНИНГ ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

ФИФА португалиялик Жоао Пинтунинг жаҳон чемпионатида йўл қўйган хатосини «муносиб» баҳолади. Оз эмас, кўп эмас Жоао 17 октябрга қадар ҳеч қандай учрашувларда иштирок этмайдиган бўлди. У Жанубий Корея билан бўлган ўйинда ҳакам Анхел Санчесга қўл кўтаргани учун 50 минг Швейцария франки ҳисобида жаримага тортилди. Бунга суд харажатлари учун мўлжалланган 15 минг франк кирмайди.

ИЗСИЗ ЙЎҚОЛГАН СПОРТЧИЛАР

Буюк Британияда гольф бўйича ўтказиладиган очиқ халқаро турнирга Нигериядан 47 нафар спортчидан иборат жамоа келиши кутилган эди. Лекин бор-йўғи тўрт нигериялик келгану, қолган 43 нафари изсиз йўқолган. Бунинг сабабини ўрганиш учун муҳожирлик хизмати ходимлари иш бошлаб юбордилар.

КАМОЧО ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинларидан кейин Испания терма жамоасининг бош мураббийи Хосе Антонио Камочо истеъфога чиқди. Унинг ўрнига Инаки Саес бош мураббий этиб тайинланди. Саес бунгача мамлакат ёшлар терма жамоасига бошчилик қилган. Унинг бирдан-бир ютуғи бу жамоани Сидней олимпиадаси финалига олиб чиққанида.

Бекобод туманидаги 20-мактаб томонидан Сухова Мария Викторовна номига 1987 йилда берилган 411506 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Газетанинг навбатдаги сони 20 июль, шанба куни чиқади.



■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

Қибрай академик лицейи 2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга қабул эълон қилади:

1. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши.
2. Хорижий филология йўналиши.
3. Аниқ фанлар йўналиши.
4. Табиий фанлар йўналиши.

Ўқувчилар билан ўтказиладиган махсус синовлар ўқиш йўналишларини ҳисобга олмаган ҳолда қуйидаги фанлардан ўтказилади.

1. Она тили ва адабиёт — диктант.
2. Математика, физика, кимё, биология, тарих, хорижий тил фанларининг ҳар биридан 5 тадан саволни ўз ичига қамраб олган 30 та савол бўйича кўп вариантли асосда махсус синовлар ўтказилади. Топшириқ саволлари тест усулида бўлади.
3. Диктант максимал 10 балл билан баҳоланади. Тест синов бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун 3 баллдан берилади. Даъвогарнинг тўплаши мумкин бўлган энг юқори бали 100 баллни ташкил қилади.
4. Қабул бўйича тест синовлари ҳамда диктант олиш 2-5 августларда ўтказилади.

Ўқиш муддати — 3 (уч) йил

Ўқишга тўққизинчи ва ўнинчи синфни битирган ўқувчилар олинади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Ҳудудий касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази тавсияномаси (туманингиздаги халқ таълими бўлимидан олинади).
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.
6. 3X4 см ҳажмидаги 6 дона рангли фотосурат.
7. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ҳамда ундан 2 нусха.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 15 июндан — 25 июлгача

Имтиҳонлар август ойида бўлади.

Тел.: 63-92-04

Манзил: Университет кўчаси, академик лицей биноси, мўлжал Аграр университети («Сельхоз институт»).
Автобуслар: 96, 19, 83 «Микрорайон» бекати, 491, 115, 53 «Гараж» бекати.

Илова: 1та папка ҳамда 1та конверт олиб келиниши шарт.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 671

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA